

TOSHKENT HAQIQATI

2023-yil
5-aprel
CHORSHANBA
№ 24 (13583)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Бефарқ эмасман



Айни шукуҳли дамлар янгиланган Конституциямиз бўйича референдумга тайёргарлик қизгин паллага киргани билан тарихий аҳамиятга моликдир. Чунки Асосий қонунимизда юртимизнинг бугуни ва келажаги, халқимизнинг тараққиёт чўққиларига дадил қадам ташлаш тинч ҳамда фаровон ҳаёти билан боғлиқ ўта муҳим масалалар ҳал этилади.

Референдумнинг кўтаринки руҳда, байрамона тарзда ва самарали ўтишига шубҳа йўқ. Зеро, янги таҳрирдаги Конституциянинг ташаббускори Президентимиз, унинг асосий ижодкори ва ижрочиси кўп миллионли халқимиздир. Конституциямизнинг янги лойиҳасини тайёрлашда

ЭЛНИНГ ОВОЗИ – МАҚСАДЛАР ПАРВОЗИ

ҳеч муболагасиз, миллионлаб фуқароларнинг иштирок этгани, муҳокамаларда 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушгани ҳаммага аён.

Бу – халқимиз референдумда ўзининг тақдири, Ватанимиз истиқболи, фарзандларининг келажаги ҳал бўлишини, Конституциянинг ҳар бир моддаси ва нормасининг амал қилиши эса ҳар биримизга боғлиқ эканини англаганини кўрсатади.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

– Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг лойиҳасини ўқиб чиқдим ва халқ манфаатлари йўлидаги катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдим.

Ушбу лойиҳада тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермер ва кластерларнинг мулк ҳуқуқи, уй-жой дахлсизлигини таъминлаш масалалари ҳам ўз аксини топганидан мамнун бўлдим. Тадбиркорлар қонунчилиққа мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли эканлиги Конституция даражасида кафолатланаётгани катта гап.

Сўнгги 6 йил ичида тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларга қўлай шароит яратиш мақсадида муҳим қонунлар, давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бугун эса бу нормалар Конституцияда мустаҳкамланмоқда.

Ўзим захирадаги ҳарбийман, ҳозирда тадбиркорлик билан шуғуллана-

ман, "Heaven's garden" меҳмонхонаси таъсисчисман. Бошида 10 нафар одам билан иш бошлагандик, ҳозир эса ишчиларимиз сони 1 минг 500 нафарга етган.

Эндиликда биз, тадбиркорлар бизнесимизни кенгайтиришга қўрқатганимиз йўқ. Аксинча, давлат томонидан берилётган имкониятлар, кафолатлар бизни янада катта ишларга ундаяпти. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 67-моддасида давлат қўлай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди, деб белгиланган. Бу нарса бизни ва чет эллик инвесторларни яна ҳам кўпроқ инвестиция киритишга, янги иш ўринлари яратишга чорлайди.

Мен референдумда, албатта, қатнашман. Бир нарсани аниқ кўряпман: янги Конституциямиз тадбиркорларнинг метин қалқони бўлади.

Абдурашул АБУХАЛИЛОВ,
"Heaven's garden"
меҳмонхонаси таъсисчиси
Бўстонлик тумани

“Ангрен” эркин иқтисодий зонасининг Оҳангарон тумани “Ангрен-1” блокида Хитойнинг “Hua Tao Ceramic Group” хорижий корхонаси томонидан керамик плиткалар ва уларни тайёрлаш учун хом ашё ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги завод қурилиши бошланди.

Яхши хабар



ОҲАНГАРОН САНОАТИНИНГ ЯНГИ ОДИМЛАРИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда туман ҳокими Абдурашул Абдуллаев, корхона раҳбарияти ва масъуллари, маҳалла фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар айни пайтда туманда 75 та лойиҳа амалга ошириляётганини таъкидлашди. Мазкур лойиҳалар амалга ошириш натижасида туманнинг саноати ривожланиши, иқтисодий ва экспорт кўрсаткичлари ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ самардорлиги янада ортиши алоҳида қайд этилди. Шунингдек, хитойлик ҳамкорлар билан дўстона алоқалар бундан кейин ҳам ривож топиши, ушбу лойиҳа билан боғлиқ ҳар қандай масалада туман ҳокимлиги ҳамкорликка тайёр экани билдирилди.

Янги заводга тамал тоши қўйишдан аввал туман ҳокимининг эзгу тиллаклари муҳрланган рамзий мактуб пойдевор остига ташланди. Қўрғон тиловат қилиниб, жонлиқ сўйилди.

Маълумот учун: мазкур лойиҳани 2023-2025-йилларда хитойлик инвесторлар киритаётган 30 млн. доллар миқдоридagi тўғридан-тўғри хорижий сармоя ҳисобига 3 босқичда амалга ошириш режалаштирилган.

Биринчи босқичда йилга кубвати 6 млн. метр квадрат керамик плиткалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Иккинчи ва учинчи босқичларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини тўлиқ ўзлаштириш мақсадида, корхонанинг ўзида фритта, глазурь, принтерлар учун бўёқлар ҳамда металл қолиплар тайёрлаш режа қилинган.

Корхона тўлиқ ишга туширилиши натижасида 350 та янги иш ўрни яратилади. Мухими, юқори сифатли маҳсулотлар ички бозор ва экспортга “Made in Uzbekistan” тамғаси остида етказиб берилади.

Ўз муҳбиримиз

Сулота

Ҳар сафар Те-мурийлар тарихи давлат музейига кираверишдаги ёғоч эшикка ўйиб ишланган жимжимдор нақшларни кўрганимда, бу мўъжизани яратган инсоннинг сабрига, сеҳрли қўлларига тасанно айтаман.



ЁҒОЧГА ЎЙИЛГАН МЎЪЖИЗА

Балки биларсиз, бу эшик ижодкори Зангиота туманининг Қатортоп қишлоғида яшовчи Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматиллаевдир. У кишининг бири-бирини тақрорламайдиган ижод маҳсуллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси, Шаҳидлар хотираси майдони, Имом ал-Бухорий, Хасани Имом мажмуалари, Ўзбек миллий академик драма театри ва Франциядаги Ўзбекистон элчихонаси эшикларини безаб турибди.

Бу ноёб санъат устадан сабр, чидам, матонат талаб этади. Ёғоч уймакорлиги санъати ҳаётининг мазмунига айланган Сирожиддин Раҳматиллаев йиллар давомида шу хислатларни ўзида шакллантиришга эришди.

Болалигидан расм чизишга ишқибоз бўлган Сирожиддин ака П. Беньков номидаги рассомлик билим юртининг ёғоч уймакорлиги йўналишини тугатиб, “Усто” бирлашмасига ишга қиради. Кўп ўқийди, изланади, ўз устида ти-

нимсиз ишлайди. Оддий ёғоч унинг қўлида етук санъат асарига айланар экан, бу устани янада илҳомлантиради.

– Ёғоч уймакорлигида Тошкент, Хива, Самарқанд, Қўқон мактаблари мавжуд бўлиб, улар бир-бирдан тубдан фарқ қилади, – дейди уста. – Хива ёғоч уймакорлиги нақшларининг майдалиги, новдаларнинг зичлиги, бадий тузилиши жиҳатидан жилвадорлиги билан ажралиб турса, Самарқанд мактаби нақш

мураккаблиги, ўсимликсимон ва гулли гириҳ нақшларининг кўпчилиги ҳамда ўйма юзасининг ранглилиги билан фарқланади. Тошкент мактаби эса, кўп қаватли, ўртача чуқурликда ўйилиб, ислимий, геометрик, рамзий нақшлари билан ўзига хос. Бир сўз билан айтганда, унда барча мактабларнинг услуби, ишланмаси, гўзаллиги, мукамаллиги умумлашган.

(Давоми 4-саҳифада) ▶

МАҚБУЛ ВАҚТ – ҲОСИЛ НАҚД



Бу йилги мавсумда 70 минг 161 гектар майдонга чигит экиш белгиланган. Кўзда 283 минг тонна пахта хом ашёсини йиғиб-териб олиш режа қилинган.

2

Мавсум юмушлари



ТОШКЕНТ туманидаги спорт мактабида "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг жорий йилги биринчи мавсумига старт берилди. Унда 200 нафардан ортиқ спортчи ўғил-қизлар иштирок этди. Шунингдек, тумандаги 68 та маҳаллада ҳам мусобақалар бошланди.

Кун тасвири

ЯНГИЙЎЛ туманида Рамазон ойида 20 та маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган фуқароларга ифторлик дастурхонлари ёзилди. Шунингдек, "Обод" ва "Қириқ" маҳаллаларининг 9 нафар болаларига суннат тўйи қилиб берилди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ туманининг "Уйгур" маҳалласида ички кўчаларга тош тўкилиб, асфальтлаштирилмоқда. 1,5 километрлик "Саломатлик йўли" фойдаланишга топширилди.


БўКА туманида 44 та маҳаллага "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 20 мингта даракт кўчатлари бепул тарқатилди. Кўчатлар маҳаллалар худудидаги бўш ер майдонлари, аҳоли хонадонлари ва йўл четларига экилди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ туманининг "Наврўз" маҳалласида жойлашган 6-мактабда "Уларнинг ҳаёти биз учун ибрат" мавзуида уч авлод учрашуви ўтказилди. Унда фахрийлар ёшларга ўз ҳаёт йўллари, таълим-тарбия, бугунги кунда ўғил-қизларга яратилаётган имкониятлар ҳақида сўзлаб беришди.

АНГРЕН шаҳар 3-сектор раҳбари А. Арипов "Боғи сурх" ва "Навбахор" маҳаллалари фуқароларининг муружаатларини жойига чиқиб ўрганди. Ҳар иккала маҳаллада аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Офарин!

Ангрен қизи АМЕРИКАДА ўқийди



Ихтисослаштирилган таълим муассасалари Агентлиги тизимидаги Ангрен шаҳар мактабининг 10-синф ўқувчиси Меҳрангиз Абдувалиева АҚШ элчихонасининг FLEX – келажак лидерлари алмашинуви дастури бўйича финал босқичининг 100 фойзалик таълим грантини қўлга киритди. Энди у Америка Қўшма Штатларидаги давлат мактабларининг биринчи ўқишни давом эттиради ва у ердаги ёшлар билан билим ва тажриба алмашади.

Ўқув йиғини

Йиғиндан бош тортганлар ҳам бўлди...

Вилоятимизнинг туман-шаҳарларида яшовчи 100 нафар профилактик ҳисобда турган ёшлар учун 10 кунлик "Жасорат мактаби" ўқув йиғинига старт берилди.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент ҳарбий округи қўмондонлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти Кенгаши ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув йиғинининг дастлабки кунда ҳарбийлар иштирокида ёшларни қизиқтирган мавзулар бўйича давра суҳбатлари ташкил этилди.

Назорат

Ердан фойдаланишнинг ўз тартиби бор

Ёхуд вилоят бўйича 2 мингдан зиёд қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди

Миллий матбуот марказида Тошкент вилоятида 2022 йилда ер нazorати бўйича амалга оширилган ишлар, галдаги вазифалар юзасидан анжуман ўтказилди.

Унда Кадастр агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Рустам Пайзиев ҳамда Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи Жасур Ахоров батафсил маълумот беришди.

"Йул харитаси" ишлаб чиқилган. Унга кўра, вилоятнинг барча ҳудудларида ер нazorати тадбирлари амалга оширилди.

Унда Кадастр агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Рустам Пайзиев ҳамда Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи Жасур Ахоров батафсил маълумот беришди.

Унда Кадастр агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Рустам Пайзиев ҳамда Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи Жасур Ахоров батафсил маълумот беришди.

Солиқдан қарзингиз йўқми?

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги солиқ кўмитаси, Тошкент вилояти солиқ бошқармаси солиқ қарзларини ундиришни ташкил қилиш бўлими ҳамда Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси ходимлари ҳамкорлигида жойларда қарздорларнинг мол-мулкларини хатлаш ва солиқ қарзини ундириш тадбирлари ўтказилмоқда.

Эълонлар

Тошкент вилояти, Тошкент тумани, "Қизгалдоқ" МФЙ, Д.Валиев кўчаси, "Аҳолига маданий-مائийш хизмат курсатиш" бино-иншоотларида жойлашган, 2021 йил 11 ноябрда № 1061986 рақами билан рўйхатдан ўтган "ZAMIN-AZIYA" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 309036160) фаолиятини тутатишини маълум қилади.

ҳуқуқ соҳаларида олиб борилаётган илоҳотлар, ёшларга яратилган имкониятлар ҳақида маълумот берилди.



ҳарбий либосни ечиб уйга қайтса, уни кечирмаслигини айтди. Бу ерда биз ҳам хунар урганяпмиз, ҳам маданий ҳордиқ чиқаряпмиз. Ташкилотчиларга раҳмат.

лашишни режа қилдим. Бу ерда биз ҳам хунар урганяпмиз, ҳам маданий ҳордиқ чиқаряпмиз. Ташкилотчиларга раҳмат.

СПОРТ янгиликлари

Баракалла, Улуғбек!

Хитойнинг Уси шаҳрида таэквондо WT бўйича "Катта дубулға" мусобақаси финал босқичининг илк кунни якунланди.



Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси -68 кг. вазн тоифасида баҳс олиб борган "Токио-2020" Олимпиадаси чемпиони Улуғбек Рашитов олтин медални қўлга киритди.

Маълумот учун, Улуғбек сўнги бор Саудия Арабистонида таэквондо WT бўйича 2022 йилнинг якуний Гран-при мусобақасида кумуш медални қўлга киритган эди.



Бокс бўйича суперўрта вазн тоифасида ўзбекистонлик профессионал боксчи Бектемир Мелиқузиёв (11-1) навбатдаги жангини қачон ва қаерда ўтказиши маълум бўлди.

Азалий рақиблар яна тўқнашади

Ҳамюртимиз жорий йил 22 апрелда Америка Қўшма Штатларининг Лас-Вегас шаҳридаги T-Mobile аренасида ташкил этилаётган бокс оқшомида рингга чиқади.

Эслатиб ўтамиз, Бектемир Мелиқузиёв сўнги жангини жорий йилнинг 29 январь кунини америкалик Улиссес Сьеррага қарши ўтказиб, мuddатидан аввал зафар қучди.



га нисбатан 2,6 триллион сўмга кўпроқ тўловлар амалга оширилди. Ҳисобот даврида комбинат томонидан 947,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган кўрсатиб ўтилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Тахминадан 3 медаль

Болгариянинг София шаҳрида бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги мусобақасининг навбатдаги босқичи ўз якунига етди.



Мусобақанинг сўнги кунда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Тахмина Икромова муваффақиятли иштироки билан мухлис мутахассислар олқишига сазовор бўлди.

доирасида кўпқараш йўналишида ҳам бронза медали билан тақдирланган эди.

Одамийлик шеваси

Бир кун эмас, бир кун шундай бўлишини билардим. Билганим учун ҳам шу кундан нихоятда қўрқардим.

Уйга – қишлоққа кетаяпману, юрагим фашилгидан безовтаман. Бир кун олдин телефон қилиб, тез етиб келишимни, дадам мени сўраётганларини айтишди.

Дадам... Йўлга чиқсам, ортимдан дуолар қилиб қоладиган, уйга қайтсам, болам, деб бағирларига босадиган дадамни яхши кўрардим. Аммо ўқиб, иш, ташвиш, деб дадамни соғинтирганларим рост, у киши эса ҳар доим мендан хавотирланиб юрардилар.

Эсимда, қаттиқ бетоб бўлиб, шифохонага тушиб қолганимизда кўргани бордим. Мени кўриб, нуруний чехрангиз янада ёришиб кетди.

деган гаплари ҳам ерда қолди. Фақат чиқиб кетарканман, сизнинг: "Эҳтиёт бўл, ўғлим!" деганингиз қулоғимда қолди, холос.



эканлар. Имонсизлик, виждонсизлик, юзсизлик каби иллатлар одам боласига айнан эҳтиётсизлик боис ёпишар экан...

Манга энди сиз йўқсиз. Сизни ташлаб тўйларга кетганим, танишларим билан узоқ-яқин сафарларга, тонготар базмларга борганим учун ўзимни койиб ўтирибман.

ДУНЁНИНГ БОРЛИГИ

эди, бироқ барча хоҳишу истаклар Яратганим измидадир... Мен бу дунёда кўп сабаб кўрдим, кўп ибрат олдим.

Сиз – кўзларининг нури сўнган, юраги уришдан тўхтаётган одамнинг бу каломингиз бизни ҳайратга солди. Бу ажаб, бу нима? Оллоҳнинг суйган, боқий дунёга ёруғ юз билан кетишини хоҳлаган бандасига иноятими?!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

